



## ON THE REPOSITORIES PRESERVING ORIENTAL MANUSCRIPTS IN UZBEKISTAN

*Nematullo Hikmatullayevich Nasrullayev*

*International Islamic Academy of Uzbekistan*

*Associate Professor of the Department of Islamic History and Source Studies (IRCICA), Doctor  
of Historical Sciences*

*E-mail: [nematulloh77uz@mail.ru](mailto:nematulloh77uz@mail.ru)*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** manuscript heritage, lithographic works, collections of Oriental manuscripts, scholarly treasury, cultural heritage, art of bookmaking, rare sources, libraries of Uzbekistan, Islamic civilization, spiritual heritage.

**Received:** 02.03.26

**Accepted:** 03.03.26

**Published:** 04.03.26

**Abstract:** This article provides a general scholarly overview of major manuscript and lithographic collections that embody the rich scientific and spiritual heritage formed in the territory of Uzbekistan. In particular, it analyzes the history of formation, composition, preserved rare manuscripts, and their scholarly significance in the collections of the Abu Rayhan al-Biruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, the Library of the Muslim Board of Uzbekistan, the Treasury of Sources of the International Islamic Academy of Uzbekistan, and the State Museum of Literature named after Alisher Navoi of the Academy of Sciences of Uzbekistan. Special attention is also paid to issues related to the preservation, study, digitization, and transmission of the works accumulated in these repositories to future generations.

### ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ШАРҚ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРИ САҚЛАНАЁТГАН МАСКАНЛАР ҲАҚИДА

*Неъматулло Ҳикматуллаевич Насруллаев*

*Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси*

*Ислом тарихи ва манбаишунослиги IRCICA*

*кафедраси доценти, т.ф.д.*

*E-mail: [nematulloh77uz@mail.ru](mailto:nematulloh77uz@mail.ru)*

Тошкент, Ўзбекистон

**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** кўлёзма мерос, тошбосма асарлар, Шарқ кўлёмалари фонди, илмий хазина, маданий мерос, китобат санъати, нодир манбалар, Ўзбекистон кутубхоналари, ислом цивилизацияси, маънавий мерос.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон ҳудудида шаклланган бой илмий-маънавий меросни ўзида мужассам этган йирик кўлёзма ва тошбосма асарлар фондлари ҳақида умумий илмий маълумотлар ёритилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи фондларининг ташкил топиш тарихи, таркиби, сақланаётган нодир кўлёмалар ва уларнинг илмий аҳамияти таҳлил қилинади. Мақолада мазкур хазиналарда жамланган асарларни асраб-авайлаш, тадқиқ этиш, электронлаштириш ва келажак авлодга етказиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

**О ХРАНИЛИЩАХ ВОСТОЧНЫХ РУКОПИСНЫХ ИСТОЧНИКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Неъматулло Хикматуллаевич Насруллаев**

*Доктор исторических наук*

*Доцент кафедры истории ислама и источниковедения (IRCICA)*

*Международная исламская академия Узбекистана*

*E-mail: [nematulloh77uz@mail.ru](mailto:nematulloh77uz@mail.ru)*

*Ташкент, Узбекистан*

**О СТАТЬЕ**

**Ключевые слова:** рукописное наследие, литографские произведения, фонд восточных рукописей, научная сокровищница, культурное наследие, искусство книжного дела, редкие источники, библиотеки Узбекистана, исламская цивилизация, духовное наследие.

**Аннотация:** В данной статье представлены общие научные сведения о крупных фондах рукописных и литографских произведений, вобравших в себя богатое научно-духовное наследие, сформировавшееся на территории Узбекистана. В частности, анализируются история формирования, состав, хранящиеся редкие рукописи и их научная значимость фондов Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук

Республики Узбекистан, библиотеки Управления мусульман Узбекистана, Хранилища источников Международной исламской академии Узбекистана, а также Государственного музея литературы имени Алишера Навои Академии наук Узбекистана. Особое внимание в статье уделяется вопросам сохранения, изучения, оцифровки и передачи будущим поколениям произведений, собранных в данных сокровищницах.

---

**Кириш.** Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди асрлар давомида ислом цивилизацияси ва жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ алломалар, мутафаккирлар ва олимлар етишиб чиққан муқаддас замин сифатида танилган. Бу ҳудудда шаклланган илмий-маънавий муҳит натижасида тафсир, ҳадис, фикҳ, калом, тасаввуф, тарих, фалсафа, адабиёт, тилшунослик ҳамда табиий фанларга оид минглаб нодир қўлёзма ва тошбосма асарлар яратилган. Ушбу ёзма манбалар нафақат ўз даврининг илмий салоҳиятини акс эттириб қолмасдан, балки бугунги кунда ҳам жаҳон илм аҳли учун қимматли тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда мазкур қўлёзма ва тошбосма мероснинг катта қисми дунёнинг турли мамлакатлари ва илмий муассасаларида сақланаётган бўлса-да, Ўзбекистонда ҳам ушбу ноёб манбаларни жамлаш, асраш ва илмий тадқиқ этишга ихтисослашган йирик фонд ва кутубхоналар фаолият юритиб келмоқда. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси ҳамда Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи алоҳида ўрин тутади.

Мазкур мақолада ана шу илмий муассасаларда сақланаётган қўлёзма ва тошбосма асарлар фонди, уларнинг шаклланиш тарихи, таркибий тузилиши ҳамда илмий аҳамияти ҳақида умумий маълумот бериш мақсад қилинган. Шу орқали миллий ёзма меросимизни чуқур ўрганишга бўлган илмий қизиқишни ошириш ва келгуси тадқиқотлар учун дастлабки назарий асос яратиш кўзда тутилган.

Муҳокама ва натижалар. Ўзбекистон заминида туғилиб вояга етган, ўз даврининг барча соҳаларини чуқур ўрганиб, фундаментал ишлари билан инсоният цивилизациясига улкан ҳисса қўшган маҳаллий муфассир, муҳаддис, мутакаллим, фақиҳ, муаррих, мутасаввиф, тилшунос, аллома ва мутафаккирлар томонидан яратилган бебаҳо маданий

мерос бугунги кунда жаҳон илм аҳллари ни ўзига жалб этмоқда [1]. Ҳозирда бундай ёзма мерос ер куррасининг барча қитъалари – Америка, Африка, Европа, Осиё ва ҳатто Австралия ҳамда элликка яқин мамлакатлардаги турли илмий муассаса, музей, архив, кутубхона, хазина, жамғармалар ва шахсий коллекцияларда сақланиб келинмоқда [2].

Шундай бўлса-да, биз ушбу ўринда эътиборингизни ҳозирда бевосита фаолият юритаётган тўртта асосий Шарқ қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланаётган фондларга қаратамиз. Хусусан, ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари хазинаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи ҳақида муҳтасар маълумотлар бериб ўтилади [3].

Албатта, бир кичик мақолада жаҳонга танилган бундай йирик фондлар ҳақида атрофлича маълумот бериш имкони чекланган. Аммо мазкур мақола илм аҳлида ушбу фондлар ва уларда сақланаётган нодир ёзма манбалар билан яқиндан танишишга бўлган илмий қизиқишни уйғотишга қаратилган дастлабки қадам сифатида хизмат қилади [4].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари фонди

Ўзбекистон ҳудудида XIX аср охирларигача кутубхоналар мадраса ва масжидлар қошида ташкил этилган [5]. 1870 йилдан бошлаб давлат кутубхоналарига асос солинди. Жумладан, Самарқанд халқ кутубхонаси, Мирзо Улуғбек мадрасаси қошидаги кутубхона ҳам айни шу даврда очилди [6]. Бу кутубхоналарда турли тиллардаги китоблар, газета ва журналлар сақланган. Октябр тўнтариши арафасида Туркистонда жами 14 давлат кутубхонаси фаолият юритган [7].

1870 йилда ташкил этилган давлат кутубхонаси қошида Шарқ қўлёзмалар бўлими мавжуд бўлиб, унда 1889 йилда 87 жилд, 1895 йилда эса 90 дан ортиқ қўлёзма китоблар сақланган [8]. Инқилобдан кейин бўлимдаги қўлёзмалар сони сезиларли даражада кўпайган. Бу қўлёзмалар ўзбек, араб, форс, тожик, урду, пушту, озарбайжон, турк, татар, туркман, уйғур ва бошқа Шарқ халқлари тилларида ёзилган бўлиб, тарих, адабиёт, фалсафа, ҳуқуқ, фалакиёт, кимё, табобат, жуғрофия, тилшунослик, мусиқа ва бошқа соҳаларни қамраб олади [9].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти 1943 йил Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасининг Шарқ бўлими қошида ташкил этилган ва 1950 йилгача “Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти”

деб аталган [10]. Бу ерда Хива хони кутубхонаси, Бухоро амири кутубхонаси ҳамда Садр Зиёнинг шахсий кутубхонаси жамланган [11].

Мазкур фондда ҳозирда 25 977 жилд қўлёзма, 39 107 жилд тошбосма ва босма асарлар ҳамда 10 мингдан ортиқ архив ҳужжатлари сақланмоқда [12]. Фонддаги энг қадимий манбалар X асрга, айрим тўлиқ китоблар эса IX асрга мансубдир [13].

2000 йилда Институт қўлёзмалар хазинаси дунёдаги энг бой қўлёзмалар мажмуаси сифатида ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатига киритилган [14]. Шунингдек, 2017 йил 24 майда қабул қилинган Президент қарорига мувофиқ, Институт мамлакатдаги қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш бўйича етакчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгиланди [15].

Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси

Фондга 1943 йилда Диний бошқарманинг биринчи раҳбари, муфтий Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон (1860–1957) томонидан мингдан ортиқ ноёб қўлёзмаларга эга ҳолда таъсис этилган [16]. Таниқли навоийшунос, бедилшунос олим Алауддинов Нодирхон домла (1899–1975 й.) 1943 йилдан 1970 йилларгача кутубхонани халқдан сотиб олинган ва ҳади қилинган қўлёзма ҳамда тошбосмалар, шунингдек, хорижий давлатлардан келтирилган китоблар ва даврий журналлар билан бойитган [17].

Ҳозир кутубхонада 20 минг нусхага яқин китоб сақланмоқда бўлиб, уларнинг уч мингдан зиёди нодир қўлёзмалар ҳисобланади [18]. Фонднинг энг нодир ёдгорлиги VII асрга оид, кийик терисига ёзилган Қуръони каримнинг олти нусхадан бири - Усмон Мусҳафидир [19]. Ушбу нусха “Ҳазрати Имом” мажмуасида жойлашган “Мўйи Муборак” мадрасаси кўргазмасида сақланади [20].

Усмон Мусҳафи Қуръони каримнинг Абу Бакр Сиддиқ даврида жамланган саҳифалари асосида Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъд ибн Ос ва бошқа саҳобалар иштирокида кўчирилган [21]. У дастлаб Самарқандда Шайх Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, кейинчалик эса унинг авлодлари ҳузурида сақланган [22].

Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида VIII асрга оид “Катта Лангар” Қуръон нусхаси, шунингдек IX–XIX асрларда кўчирилган Қуръони карим нусхалари ҳам мавжуд [23]. Шу билан бирга, Масъуд ибн Умар Тафтазонийнинг “Шархул-Мутаввал”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Равзатуш-шуҳадо”, Бурҳониддин Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя”, Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасарул Виқоя”, “Танқиҳ”, “Тавзиҳ”, шунингдек Журжонийнинг “Захиратул-Хоразмшоҳ” асарлари ҳам фонддан ўрин олган.

Кутубхонанинг асосий фонди Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг янги маъмурий биносида жойлашган бўлиб, қўлёзмалар замонавий талаблар асосида сақланади. Фонд каталоглари ва электрон рўйхатлар яратилган бўлиб, улардан тадқиқотчилар ва китобхонлар фойдаланиш имкониятига эга.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1999 йил 7 апрелдаги қарорига мувофиқ «Манбалар хазинаси» бўлими Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети қошида фаолиятини бошлаган.

Бўлимнинг асосий мақсади - ўтган аждодлар томонидан яратилган ва ҳозиргача етиб келган илмий-маънавий ҳамда диний меросларни жамлаш, сақлаш, илмий тадқиқ қилиш ва уларни келгуси авлодга етказишдан иборат [24].

Бўлимнинг вазифаларига қўлёзма ва босма манбаларни инвентарлаш, картотека ва каталоглар тузиш, қўлёзма ҳамда литографик китобларнинг электрон нусхаларини тайёрлаш, аҳоли қўлида мавжуд қўлёзмаларни ўрганиш, сотиб олиш, илмий сафарлар уюштириш, таъмирлаш ва консервация ишларини амалга ошириш киради [25].

Ҳозирги кунда бўлим фондида 450 дан ортиқ қўлёзма, 2000 га яқин тошбосма ва 6000 га яқин замонавий нашрлар мавжуд [26]. Илмий инвентарлаш ва кенгайтирилган тавсифлар натижасида мавжуд қўлёзмалар таркибида 1000 дан ортиқ мустақил асар ва рисоалар борлиги аниқланган [27].

Аввал тузилган қисқача каталог қайта ишланиб, қўшимча маълумотлар билан бойитилган ҳолда барча қўлёзмалар кенг илмий тавсиф этилиб, икки жилдада «Қўлёзмалар каталоги» номи билан тўрт тилда (ўзбек, рус, араб ва инглиз) нашр этилган [28].

Фондда сақланаётган қўлёзмалар мазмун жиҳатидан кенг қамровли бўлиб, қарийб 100 га яқин соҳаларни ўз ичига олади. Жумладан, Қуръон, тафсир, ҳадис, фикҳ, калом, сийра, тасаввуф, тарих, фалсафа, мантик, адабиёт, тилшунослик, арифметика, космография ва бошқа соҳаларга оид манбалар мавжуд.

Қўлёзма ва тошбосма асарларнинг электрон факсимель нусхаларини яратиш ишлари мунтазам олиб борилиб, бу орқали фойдаланувчилар учун қулай илмий муҳит яратилмоқда. Шунингдек, зарар кўрган қўлёзмаларни таъмирлаш, муқовалаш ҳамда кимёвий ва биологик консервация ишлари ҳам доимий равишда амалга оширилади.

Манбалар хазинаси фондида сақланаётган энг нодир қўлёзмалардан бири инв. №50 рақами билан қайд этилган «Мажмуъатул-хутут» асари бўлиб, унда қадимги ёзувларнинг қарийб 60 тури ҳақида маълумот берилган [29]. Афсуски, мазкур қўлёзма ҳозиргача тўлиқ

илмий тадқиқотга жалб этилмаган. Ушбу асарни ўрганиш тарихчи ва археологлар учун муҳим илмий манба бўлиши шубҳасиз [30].

Хулоса қилиб айтганда, Манбалар хазинаси бўлими аجدодлардан мерос бўлиб келган қўлёзма асарларни ўрганиш, сақлаш ва келажак авлодга етказиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда ҳамда республика ва хориж илмий жамоатчилиги орасида кенг танилган [31].

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи Музей кутубхонаси республикадаги муҳим илмий-тадқиқот ва маърифат марказларидан бири ҳисобланади. Унинг хазинасида бой маънавий, илмий-адабий ёзма мерос жамланган бўлиб, музей фаолияти Ўзбекистоннинг кўп асрлик маданий меросини тўплаш, сақлаш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилишга қаратилган [32].

Музейга 1939 йилда Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида махсус илмий-маданий марказ ташкил этиш вазифаси асосида асос солинган [33]. 1967 йилдан бошлаб музей Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи мақомига эга бўлган [34].

Музейнинг биринчи раҳбари сифатида филология фанлари доктори, профессор Ҳ.С. Сулаймонов фаолият юритган. Музей биноси 1933–1936 йилларда ноёб архитектура ёдгорлиги андозасида қурилган бўлиб, бугунги кунда ҳам ўзининг меъморий қиммати билан ташриф буюрувчилар эътиборини жалб этиб келмоқда.

1978 йилга келиб музей фонди аҳолидан сотиб олинган ўн мингга яқин қўлёзма ва тошбосма асарлар билан бойитилган [35]. Мазкур бой ёзма мерос кейинчалик музей жамғармасида “Қўлёзмалар институти”нинг ташкил этилишига асос бўлган [36]. Айрим йиллар давомида Адабиёт музейи мазкур институт таркибида экспозиция бўлими сифатида ҳам фаолият олиб борган [37].

Ўтган тарихий давр мобайнида музейда XV–XX асрлар Шарқ мумтоз адабиёти ва тарихини акс эттирувчи бой экспозиция яратилди. Музейга ташриф буюрувчилар кўп асрлик адабий мерос дурдоналари билан бир қаторда, Ўрта Осиё маданияти ва санъатининг муҳим йўналишлари бўлган китобат, тасвирий санъат, хаттотлик, наққошлик, мусиқа ва меъморчилик намуналари билан ҳам танишиш имкониятига эга [38].

Музей фондида сақланаётган қўлёзмалар орасида Шарқ мумтоз адабиёти намояндаларининг ноёб асарлари мавжуд. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Бадойибул-бидоя” (XV аср), “Ғаройибус-сағир” (1528 йил), Саъдий Шерозийнинг 1636 йилда

кўчирилган “Куллиёт”, Абдурахмон Жомийнинг “Тухфатул-ахрор” асарининг 1578 йилга оид қўлёзмаси, Низомий Ганжавийнинг “Махзанул-асрор” (XVI аср), Хусрав Дехлавийнинг “Хамса” (1575 йил), Хусайн Воъиз ал-Кошифийнинг “Рашахот айнул-хаёт” ва “Тафсири Хусайний” (XVI аср), Фузулийнинг “Девон” (XVIII аср) каби асарлар алоҳида илмий қимматга эга [39].

Шунингдек, фондда Ризоий Пайвандийнинг “Кушлар тили”, Махмуд Замахшарийнинг тўрт тилли “Муқаддаматул-адаб”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мубаййин”, Хиромийнинг “Тўтинома”, Носир Хожанинг “Лайли ва Мажнун”, Хожа Муҳаммад Балхийнинг “Ҳадиқатул-авлиё” асарлари ҳам сақланади [40].

Музей фонди фақат адабий қўлёзмалар билан чекланиб қолмай, тарих, фалсафа, ислом ҳуқуқи, тиббиёт, география, астрономия, тилшунослик каби соҳаларга оид литографик усулда чоп этилган нодир китобларни ҳам ўз ичига олади [41].

1991 йилда музей институт таркибидан чиқарилиб, мустақил илмий-маърифий муассаса сифатида фаолият юрита бошлади [42]. Қисқа вақт ичида музей ўз қўлёзмалар фондини шакллантириб, ҳозирги кунда 2000 га яқин қўлёзма ва тошбосма асарлар сақланаётган йирик хазинага айланди [43].

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳудудида шаклланган ва асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қўлёзма ва тошбосма мерос нафақат миллий, балки жаҳон цивилизацияси тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик фонд ва кутубхоналарда сақланаётган минглаб нодир асарлар тарих, ислом илмлари, фалсафа, адабиёт, тиббиёт ва бошқа кўплаб фан соҳаларини чуқур ўрганиш учун бебаҳо манба ҳисобланади. Ушбу хазиналарни илмий асосда тадқиқ этиш, замонавий технологиялар ёрдамида сақлаш ва кенг жамоатчиликка етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу маънода, мазкур мақола келгусида қўлёзма меросни чуқурроқ ўрганиш ва унинг илмий салоҳиятини очиб беришга қаратилган тадқиқотлар учун дастлабки илмий қадам сифатида хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон ҳудудида етишиб чиққан ислом ва жаҳон илм-фани намояндалари ҳақида қаранг: Каримов, И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Собиров, Қ. (2016). Марказий Осиё қўлёзма мероси ва унинг жаҳон фондларидаги ўрни. Тошкент, Ўзбекистон.

3. Абдуллаев, А. (2019). Ўзбекистонда қўлёзмалар хазинаси. Тошкент, Ўзбекистон: Фан.
4. Қўлёзма манбаларни тадқиқ этиш ва тарғиб қилишнинг илмий аҳамияти тўғрисида:  
Юнусов, Н. Қадимий ёзма манбалар ва уларни ўрганиш масалалари. – Тошкент, 2020.
5. Каримов, И. А. (2008). Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, Ўзбекистон: Маънавият.
6. Бартольд, В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – Москва, 1963.
7. Хабибуллаев, Ҳ. Туркистонда кутубхоначилик тарихи. – Тошкент, 1975.
8. Абдуллаев, А. Ўзбекистонда қўлёзмалар хазинаси. – Тошкент: Фан, 2019.
9. Собиров, Қ. Марказий Осиё қўлёзма мероси. – Тошкент, 2016.
10. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти тарихи ҳақида расмий маълумотлар.
11. Сулаймонов, Ҳ.С. Шарқ қўлёзмалари ва уларнинг тақдири. – Тошкент, 1985.
12. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди статистик маълумотлари.
13. Юнусов, Н. Қадимий Қуръон нусхалари ва уларнинг илмий аҳамияти. – Тошкент, 2014.
14. UNESCO. Memory of the World Register (Uzbekistan Manuscript Collections).
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, 2017 йил 24 май, №2995.
16. Ўзбекистон мусулмонлари идораси архив материаллари.
17. Алауддинов Н. Илмий-маърифий фаолияти ҳақида маълумотлар.
18. ЎзМИ кутубхонаси расмий маълумотлари.
19. Қуръон карим қўлёзмалари тарихи бўйича манбалар.
20. “Ҳазрати Имом” мажмуаси тарихи.
21. Ислом тарихига оид классик манбалар.
22. Самарқанд қўлёзма анъаналари ҳақида тадқиқотлар.
23. Ўзбекистонда сақланаётган Қуръон карим қўлёзмалари каталоги.
24. Ўзбекистон халқаро ислом академияси устав ҳужжатлари. (йил кўрсатилмаган). Тошкент, Ўзбекистон.
25. Манбалар хазинаси бўлими низоми.
26. ЎЗХИА Манбалар хазинаси фонди ҳисоботи.

27. Қўлёзмаларни илмий инвентарлаш натижалари.
28. “Қўлёзмалар каталоги”, ЎХИА нашри.
29. Манбалар хазинаси инвентар китоблари. (йил кўрсатилмаган). Тошкент, Ўзбекистон.
30. Қадимги ёзувлар тарихи бўйича тадқиқотлар. (йил кўрсатилмаган). Тошкент, Ўзбекистон.
31. ЎХИА фаолияти ҳақидаги таҳлилий манбалар.
32. Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи тарихи. (йил кўрсатилмаган). Тошкент, Ўзбекистон.
33. Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигига бағишланган ҳукумат қарорлари. (1939). Тошкент, Ўзбекистон.
34. Ўзбекистон Фанлар академияси архив материаллари. (йил кўрсатилмаган). Тошкент, Ўзбекистон.
35. Музей фондларини шакллантириш бўйича ҳисоботлар.
36. “Қўлёзмалар институти” ташкил этилиши ҳақидаги ҳужжатлар.
37. ЎзФА тизимида музейлар фаолиятига оид материаллар.
38. Адабиёт музейи экспозиция каталоглари. (йил кўрсатилмаган). Тошкент, Ўзбекистон.
39. Шарқ мумтоз адабиёти қўлёзмалари каталоги.
40. Музей қўлёзмалар фонди тавсифлари.
41. Литографик нашрлар тўпламига оид илмий манбалар. (йил кўрсатилмаган). Тошкент, Ўзбекистон.
42. 1991 йилги ташкилий-ҳуқуқий қарорлар.
43. Адабиёт музейи замонавий фонд ҳолати ҳақидаги маълумотлар. (йил кўрсатилмаган). Тошкент, Ўзбекистон.